

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Millward Brown tadqiqotlar kompaniyasi qatorasiga uchinchi yil ham Googleni jahonning eng taniqli brendi (savdo belgisi) sifatida e'tirof etdi.

Bu safar Google brendi 86 milliard dollarга baholandi, bu ʻtgan yilgidan 30 foiz yuqori kursatqichdir.

Keyingi urinlarni General Electric (71,4 mlrd dollar), Microsoft (70,89 mlrd dollar) va Coca-Cola (58,2 mlrd dollar) band etgan.

БАЙРАМИНГИЗ КУТЛУФ БЎЛСИН!

Дерлар савоб ишлар кўпдир дунёда,
Савобдир ҳатто бир ниҳол экомқлик.
Ё ташна кишига битта косада,
Сув тутиб чанқоғин фориғ этмоқлик.

Уйда ҳам, ишда ҳам ёки йўлда ҳам,
Қурилиш, пахтазор, ҳатто чўлда ҳам,
Касбингиз энг улуг, азиз дўстларим,
Қутлайин кўксимга қўйиб қўлларим.


Дастёрсиз заминнинг ҳар бурчагида,
Узоқлари яқин, жўн мушкуллари,
Хизматингиз малҳам соғинч дардига,
Касбингиз савобли, азиз дўстларим.

Нозик симларга ҳам жон киритасиз,
Воситачи бўлар оддий телефон.
Иккала тараф ҳам қувониб кетар,
Гўшакни кўтариб "Алло" деган он.

Тонггача ухламай баъзан тунлари,
Мўъжиза ясайсиз сим толасидан.
Олиси талаба кўнгли хотиржам,
Онаси хабардор шўх боласидан.

Қисқаси, барчага кўмақдош, ҳамкор.
Ҳар уйда, ҳар доим, ҳаммага даркор.
Касбингиз таърифлар бўлди сўзларим,
Байрамингиз кутлуғ, азиз дўстларим!

Матлуба НАСРИДДИНОВА,
"ТШТТ" ходими



Ўзбекистонда Интернет тармоғи қандай ривожланмоқда?

XX асрнинг охириги йилларида компьютер технологиялари жадаллик билан ривожланди. Дунёнинг бир бурчагидаги локал компьютер бошқа бир фойдаланувчининг шахсий компютери билан интернет тармоғи орқали уланиб, маълумот алмашиш имконияти пайдо бўлди.

Умуман олганда, интернетнинг глобаллашуви натижасида электрон тижорат, электрон бизнес йўналишидаги янги тур хизматлар пайдо бўлмоқда. 2007 йил якунларига бағишланган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъат мажлисида юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 2 миллион нафардан ортганлиги маълум қилинган эди.

4-бет



O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK
SUG'URTA - KOMPANIYASI

Кенг қамровли
сугурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN —
JUMAGACHA

Матбуотда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда “Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари эълон қилинди.

Пойтахтимизда 28 апрел-4 май кунлари мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтади.

Халқаро олимпиадада иштирок этаётган ёшларимиз саралаш мусобақаларида тобланиб, барча синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилардир. Шунингдек, тадбирда Россия, Украина, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларус, Озарбайжон, Арманистон, Болгария, Латвия, Молдова, Руминия, Эстония давлатлари вакиллари ҳам иштирок этадилар.

Тошкентда “ЛУКОЙЛ” очик акциядорлик жамияти (Россия) Директорлар кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси раҳбарлари ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “ЛУКОЙЛ” компанияси Директорлар кенгашининг Тошкентдаги мажлиси иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов ўқиб эшиттирди.

Афғонистон Ислоҳ Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди.

Учрашувларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўплаб соҳаларда, жумладан, энергетика соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

HAY'AT YIG'ILISHLARIDA

Жорий йилнинг 29 апрел куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис селектор орқали жойларга узатилди.

Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси А.Арипов бошқарган мажлис алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналарнинг 2008 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалага бағишланди. Ушбу масала юзасидан Агентлик Бош директори ўринбосари А.Хўжаев маъруза қилди.

Хисобот даврида тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳисобига 41,6 млн. АҚШ долл., корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 3,6 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилган.

2007-2008 йилларда қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатувчи 400та кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, 2008 йил

саларида дастлабки жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Электрон тижорат ва тўловларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритувчи “Multisoft Solutions” хусусий корхонаси Электрон рақамли калитларни рўйхатга олиш маркази сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент вилояти “Турон” ахборот-кутубхона маркази (АКМ)дан ташқари барча АКМлар “ZiyoNet” ахборот тармоғига уланган (“Турон” АКМ биноси капитал таъмирланмоқда). Тошкент, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри АКМлар веб-сайтлари яратилган ҳамда мунтазам янгиланиб бораётган, қолган АКМлар веб-сайтларини яратиш ишлари тугалланмоқда.

2008 йилнинг 1-чорагида АКМлар фонди 1809 ном ва 4456 нусхадаги адабиётга ошган ҳамда уларнинг умумий фонди 4 млн. 283 минг 530 нусхаси ташкил этди. Хисобот даврида “Ёшлар йили” Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишини таъминлаш юзасидан ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув ва талабалар биноларини реконструкция ишлари олиб борилди. Бу ишларга 1 млрд. 300 млн. сўм миқдориде маблағ сарфланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш оилаларга АТ “Алоқабанк” орқали 320,8 млн. сўм миқдориде имтиёзли кредитлар ва ссудалар берилди.

Йиғилишда эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда хисобот даврида айрим масалалар бўйича камчилик ва муаммолар мавжудлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Мазкур масала муҳокамасида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Маҳмудов, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Абидходжаев, “UzinfoCom” маркази директори Ж.Раҳимовлар сўзга чиқишди.

БИРИНЧИ ЧОРАК:
ЯКУНЛАР ва РЕЖАЛАР

Маърузачи 2008 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилганлигини алоҳида қайд этди.

Жумладан, биринчи чорак давомида соҳадаги корхона ҳамда ташкилотлар томонидан 275,8 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Барча даромадларнинг 51 фоизи, яъни 139,5 млрд. сўм аҳолига хизмат кўрсатишдан олинди. Бу кўрсаткич 2007 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 32 фоизга ошди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарлараро ва халқаро телефон сўлашувлари сони 6,7 фоизга, хат жўнатмалари ҳажми 2,5, жўнатмалар 20,4, пул жўнатмалари 6 фоизга ўсди. Асосий телефон аппаратлари сонининг ўсиши 5,2 минг донани ташкил қилди. Экспорт бўйича 2008 йил 1-чорак режаси 118,1 фоизга бажарилди.

25 апрел куни Агентлик Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори ўринбосари А.Хўжаев бошқарди.

Мажлисида болалар дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш, Ахборот-кутубхона марказлари иш жараёнидаги муаммолар: автоматлаштириш дастури, электрон ресурслар маълумот базасини шакллантириш, ахборот-кутубхона фаолиятини белгиловчи ҳужжатлар, Умумжаҳон почта иттифоқининг 24-Конгрессига тайёргарликнинг бориши ва Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларига Ўзбекистон Республикасининг тайёрлаган ҳиссаси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидеги биринчи масала селектор орқали жойларга узатилди. Юқорида тилга

олинган масалалар бўйича Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назарзонов, “Ўзбектелеком” АК бош директори Х.Мухитдинов, Республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Ишматов, Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот-ресурс маркази раҳбари Е.Бугибоев, Агентликнинг почта технологиялари ва хизматлари бўлими бошлиғи Т.Чекшиналар батафсил ахборотлар беришди.

Ҳайъат йиғилишларида қўрилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, мутаасаддиларга тегишли вазифалар топширилди.

Оммавий ахборот воситалари ва давр

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов қатнашди.

Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш ин-

ститути билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, сиёсий партиялар вакиллари, олий ўқув юрталарининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида матбуот, телевидение, радионинг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилган ишлар, ахборотлаштирилган жамиятда интернетнинг ўрни, юртимизда интернет-журналистикани ривожлантириш масалалари атрофича таҳлил этилди. Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш, миллий матбуотимиз фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни янада жадаллаштириш, журналистларнинг касб маҳоратини мутасил юксалтириб боришга оид маърузалар тингланди. Тегишли тақлим ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу йилнинг 30 апрел-2 май кунлари Тошкентда Инновацион лойиҳалар ва жоялар республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркадан қўзланган асосий мақсад юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, кичик инновацион тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши, республиканинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратишдир. Мазкур тадбирга ахборот технологиялари йўналишидаги 34та инновацион лойиҳа тақдим этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги инновацион лойиҳалар

Ярмарка доирасида юқорида қайд этилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш мақсадида Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан «Инновацион лойиҳалар» материаллар тўплами чоп этилди.

Тўпландан «E-Hujjat», «CADATSRE-INFO» ахборот-кадастр тизими», «DOPPIX LINUX 2008 EDU - LINUX» асосидаги эркин ва очиқ амалиёт тизими», «Тахлилий куер» матнлардан билимларни териб олиш тизими», «Хужжатлар тўпламини бошқариш тизими» ва «X-FILES», «Объектларни радиочастотали идентификациялаш бўйича дастурий-техник мажмуа» ва бошқалар ўрин олган.

Лойиҳа муаллифлари сафида «Коинот» ОАЖ, Фан-техника ва маркетинг тадбиркорлари маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, Республика ахборот-кутубхона маркази, шунингдек, «Intelligent Solutions» МЧЖ, «USD Micros», «NetDec», «BAIK Technologies» МЧЖ, «ITECO TASHKENT» ва бошқа АТ-компаниялар бор.

Тўплам нафақат ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, балки иқтисодиёт, sanoat ва таълимнинг бошқа соҳаларидаги олим ва мутахассислар ўртасида инновацион лойиҳаларни синовдан ўтказиш имконини беради.

Ушбу тўпламнинг электрон шакли билан www.ttores.uz сайтида танишиш мумкин.



Коллеж талабалари боғламада

Андижон алоқа касб-хунар коллежи ташкил этилганидан буён талабаларнинг ўқишини амалий иш шароитларига яқинлаштириш борасида «Андижон Телеком» филиали билан ўзаро келишувга мувофиқ узлуксиз ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Шу йил 23 апрел кuni Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида навбатдаги тадбир бўлиб ўтди.

Коллеж хўжалигида талабаларга амалий тушунарларни етказиш учун ишлаб чиқариш усталари Дилноза Абдурахмонова, Дилноза Маҳамматова ва Азизбек Содиқов иш олиб боришади. Улар бошчилигида коллежнинг телекоммуникация йўналиши бўйича билим олаётган учта ўқув гуруҳи талабалари ёзги амалиёт олдида 225-АТС, телеграф аппаратлари хонаси, тонал чеҳи, шаҳарлараро ва халқаро алоқа бўйича телефончилар иш услуби, марказий таъмирлаш гуруҳи, маълумотхона хизмати, мижозлар бўлими зали, маркетинг гуруҳи, энергия таъминоти чеҳида дизел-генератор ва бошқа ускуналар билан танишдилар.

Алоқа хўжалиги цехларида 225-АТС етакчи муҳандиси Улуғбек Мамадалиев ва 225-АТС мутахассислари — телеграф чеҳи бошлиғи Матлубахон Дадабоева, катта телефончи Табассум Ан, гуруҳ бошлиқлари Мавлудахон Боқиева ва Мухаррам Раҳмоновалар, мижозлар бўлими бошлиғи Ҳанифахон Сатторова, маркетинг бўлими оператори Зухраҳон Абдурахмонова, энергия таъминоти чеҳи бошлиғи Авазбек ўриновлар талабаларга иш жараёни тўғрисида қисқача сўзлаб бердилар. Шунингдек, талабалар ўзларини қизиқтирган турли саволларга жавоблар олдилар.

Талабалар учун уюштирилган танишув тадбири уларнинг танлаган соҳасига қизиқиларини янада мустаҳкамлайди ва келгусида алоқа соҳасининг фидойи мутахассиси бўлиб етишишига туртки бўлади, деб умид қиламиз.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
«Xabar»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

ALOQA SOHASIDA TADBIRKORLIK

Когон туманида бугунги кунда 126 давлат бошқарув органи, 2191 хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, уларнинг санокчисигина интернет тармоғига уланган. 140 аҳоли яшаш масканининг бор-йўғи иккитасида интернет-кафе бор, холос.

Юртбошимизнинг тегишли фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг айнан алоқа соҳасини ривожлантиришга оид қарорларида мамлакатимизнинг аксарият шаҳар ва туманларида 2010 йилгача бўлган даврда аҳоли истиқомат жойлари, корхона ва ташкилотларни тўлиқ интернет тармоғига улаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Табиийки, Когон тумани ва шаҳри ҳам бундан мустасно эмас.

Туман ҳокимлигида ўтказилган «Очк эшиклар куни» давомида тадбиркорлар ва ишбилармонлар, умуман, аҳолининг кенг қатламларига алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини лицензиялаш масалаларини атрофича тушунириш билан бирга, айнан шу хусусда ҳам батафсил сўз юритилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан таш-

ИМКОНИЯТ

ҳамма гап ундан фойдаланишда

қил этилган навбатдаги тадбирни ЎзАААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Уроқ Тўхтаев кириш сўзи билан очди. У ҳозирги пайтда вилоятнинг 49та масканида интернет хизмати йўлга қўйилганлигини, жами 4100 нафар киши доимий равишда бу хизматдан фойдаланиб келаётганлигини таъкидлади. Шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган хусусий ва кабел телевидениелари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берди. Давримизнинг ўзи эндиликда қишлоқ жойларига ҳам хизматлар кўрсатиш турларини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Турган гапки, тармоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирмай туриб бу масалани ижобий ҳал этиш қийин, албатта.

«Очк эшиклар куни» тадбирининг қатнашчилари — хусусий тадбиркорлар, туман телекоммуникациялар боғламаси ва почта алоқаси тармоғи мутасаддилари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари раислари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакилларига лицензиялаш масалалари билан боғ-

лиқ тегишли тушунтиришлар берилди. Улар жумладан, ЎзААА билан юридик шахс ўртасида тузилмадан лицензия келишувининг асосий шартлари билан яқиндан таништирилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Бухоро Телеком» филиали директори Шариф Худойбердиев, «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Бухоро ҳудудий боғламаси бошлиғи Негбой Холов, Когон тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Музаффар Жумаев ва бошқалар иштирокчилар томонидан тушган саволларга атрофича жавоб бериш билан бирга, алоқа соҳасида ечимини кутиб турган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун вилоятда бутун қуч ва имкониятдан ҳозир ҳам, келгусида ҳам самарали фойдаланиш, айнққса, қишлоқларда алоқа хизмати кўрсатиш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш сари дадил қадамлар ташланганлигини ва бу иш изчил давом эттирилишини таъкидладилар.

Асқар ИСТАМОВ,
«Xabar»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Роуминг хизмати

«Unitel» МЧЖ халқаро роуминг хизмати имкониятларини кенгайтиришда давом этмоқда.

Бу сафар Ўзбекистондаги «Билайн»нинг роуминг ҳамкорлари қаторига Celtel (Нигерия), SiftBank Mobile Corp. (Япония), HT Eronet (Босния ва Герцеговина) ҳамда Sentel (Сенегал) қўшилди.


Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги «Билайн» хизматида фойдаланувчилар учун роуминг хизмати 113 мамлакатдаги 238 оператор тармоғида мавжуд.

Агар саёхат асносида «Билайн» абонентларига ёрдам ёки мутахассис маслаҳати керак бўлса, +998 (90) 185-00-55 телефон орқали мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази билан боғланиш мумкин.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Интернетнинг ҳаётимиздаги аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Илгарилари қандайдир янгиликдан хабар тоғмоқчи бўлганимизда газета саҳифаларини варақлаган бўлсак, ҳозирда маълумот олиш учун бирор бир газета расмий веб-саҳифасини кўздан кечиришнинг ўзи кифоя. Дастлаб интернетга уланиш учун 56 кбит/сгача бўлган (Dial-UP) коммутацияланадиган линиялардан фойдаланган бўлсак, эндиликда юқори тезликдаги асинхрон (ADSL) рақамли линиялардан фойдаланиб, 2 Мбит/сгача бўлган тезликда маълумот алмашувини ташкил қилиш имкониятига эга бўлдик.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда ташқи интернет каналлари танқислиги муаммоси долзарб бўлиб турибди. Интернетдан фойдаланувчи мижозлар сонининг кескин ортиши ҳамда провайдерлар томонидан юқори тезликдаги интернет хизматларининг кенг татбиқ қилиниши натижасида йилдан-йилга халқаро интернет каналларининг тезлигига бўлган талаб ортиб бормоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида халқаро интернет каналларининг ўсиш диаграммаси. (Мбит/с).

Бутун дунёда интернет-дўконлар кенг тарқалган бўлиб, уларда сотиладиган маҳсулотлар нархи анъанавий шаҳобча шаклида иш юритадиган дўконларникидан анча арзон ҳисобланади ҳамда интернет орқали масофадан маҳсулот харид қилиш имконини яратди. Бунинг учун электрон тўлов тизими жорий қилинган. Бунда мижоз ўз ҳисобини электрон маблағ билан тўлдирди ва

Ўзбекистонда интернет тармоғи қандай ривожланмоқда?

ўзига тегишли маҳсулотни танлаб, унга буюртма беради. Маҳсулотни келтириб бериш ҳам интернет-дўкон мажбуриятига киради.

Сўнгги йилларда юртимизда уяли алоқа операторлари хизматларидан фойдаланувчилар сонининг кескин ўсиши натижасида, ушбу хизматлар учун амалга ошириладиган тўлов тизимини тубдан ўзгартириш мақсадида электрон тўлов тизими жорий қилинди. Бунда асосан интернет орқали боғланган ҳолда тезкор равишда «МТС-Ўзбекистон», «Unitel», «COSCOM», «Perfectum Mobile», «Ўзбектелеком Мобайл» уяли алоқа операторлари хизматларидан фойдаланувчи мижозлар 500 сўмдан 100000 сўмгача бўлган маблағни ўз ҳисобларига ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.


Юртимизда телекоммуникация технологияларининг юқори суръатда ривожланишига ҳамроҳ равишда нафақат сим орқали, балки симсиз ҳам интернетга уланиш имконияти пайдо бўлди. Бунга юқорида номлари келтирилган уяли алоқа операторлари мижозларининг ўз телефон аппаратлари ёрдамида интернет саҳифаларига кириб, керакли маълумотлардан фойдаланишга ётгани яхши мисол бўлади.

Хўш, мобил интернет хизматларидан фойдаланиш қимга қулай?

Бундай хизматлардан фойдаланиш кўпроқ хизмат сафарларида юрадиган бизнес билан шуғулланувчиларга, электрон тўлов тизими хизматларини тақдим қиладиган кичик тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳисобланади.

Шу ўринда коммутацияланадиган канал орқали интернет хизматларини тақдим қиладиган провайдерлар тарифларини кўздан кечириб чиқсак. Кўриниб турибдики (2-расм), деярли барча интернет провайдерларда 1 соат интернет хизматидан фойдаланиш нархи 2007 йилга нисбатан арзонлашган. Бу борада рақобатнинг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун интернет хиз-

матлари бозорида рақобатдош провайдерлар мижозларни жалб қилиш мақсадида нархларни доим мониторинг қилиб турадилар, турли қўшимча хизмат турларини тақдим қиладилар. Мисол учун Call-back хизматини келтирсак. Бу хизмат электрон АТСлар хизматларидан фойдаланувчилар учун маҳаллий вақтбай тўлов тизимига кетадиган харажатларни тежаш имконини бермоқда.



2-расм. 2007-2008 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида Dial-UP уланиш интернет хизматларини тақдим қиладиган провайдерлар тарифларининг солиштирма диаграммаси (АҚШ долларида).

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, юртимизда интернет хизматларини тақдим қилишда жуда кўп ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Шу билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу борада халқаро интернет каналларига бўлган талабни қондириш, яъни тезликни янада ошириш, нархларни янада оптималлаштириш ва фойдаланувчилар сонини кескин ошириш устувор ва зифалар ҳисобланади.

Хуришд ЛУТФУЛЛАЕВ,
Содиқ ҲОЖИМУРОДОВ,
ТАТУ магистрлари

Азиз ҳамкасблар!
Сизларни касб байрамингиз билан
чин қалбдан табриқлаймиз.

*Юртимиз фаровонлиги йўлидаги
ишларингизда зафарлар ёр бўлсин.
Хонадонингиздан бахт ва қувонч аримасин!*

“Ўзбектелеком” АҚ Жилмаси

TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I ★ UzNet ★ QASHQADARYO TELEKOM ★ BUXORO TELEKOM

★ SAMARQAND TELEKOM ★ INJENER TEXNIK MARKAZI ★ TOSHKENT TELEGRAF TELEFON STANSIYASI

FARG'ONA TELEKOM ★ QASHQADARYO TELEKOM ★ JIZZAX TELEKOM ★ NAMANGAN TELEKOM ★

SURXONDARYO TELEKOM ★ QASHQADARYO TELEKOM ★ TOSHKENT TELEKOM ★ NAVOIY TELEKOM

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ**ЖАМОАСИ**

Республикамиз алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси ходимларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан муборакбод этади.

Азиз ҳамкасблар!
Сизларга соҳа ривожини
ва истиқболи йўлидаги сабъ-
ҳаракатингизда улкан ютуқлар тилаймиз!

**Айёмингиз муборак бўлсин!****МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Юртимиз алоқачиларини
касб байрамлари —
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан қутлайди.



Эзгу мақсадларингизни амалга
оширишингизда Сизларга
куч-қувват тилаймиз. Мамлакатимиз
янада обод ва фаровон бўлсин.

Ўтаётган ҳар бир лаҳза
ҳаётингиз мазмунига айлансин!

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**


Республикамизнинг барча
алоқачиларини

КАСБ БАЙРАМЛАРИ

билан қизгин қутлайди.

Соҳа ривожини йўлидаги ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз.
Доимо соғ-омон, бахтли бўлинг!

**ВАТАНИМИЗ ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

 **О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ
"БУХОРО ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча ҳамкасбларини
алоқачилар байрами билан
қизгин табриклайди.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
омад ва бахт тилаймиз.

**Жонажон юртимизда доимо
тинчлик ҳукм сурсин!**

**O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA
TARMOQLARINI BOSHQARISH
RESPUBLIKA MARKAZI JAMOASI**

*Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини*

КАСБ БАЙРАМЛАРИ

билан чин қалбдан қутлайди.

**Қадрли ҳамкасблар!
Ўзаро аҳиллигимиз
ҳеч қачон йўқолмасин.
Ҳамиша элимиз хизматига
камарбаста бўлайлик!**

«ALSKOM»
СУФУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасига меҳнат қилаётган барча
ходимларни алоқачилар байрами
билан қизгин табриклайди.*

**Олдингизга қўйган эзгу
мақсадларингизни
амалга оширишингизда
сизга куч-қувват ва
муштақам соғлиқ
тилаймиз.**

*Ўтиб бораётган ҳар бир лаҳзалар
ҳаётингизга мазмун бахш этсин!*

O'ZBEKTELEKOM
**"ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА
КОРХОНАСИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Барча ҳамкасбларини
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан қизгин табриклайди.**

**Азиз алоқачилар!
Ватанимиз гуллаб-яшнаши,
ижтимоий-иқтисодий раўнақи йўлидаги
саъй-ҳаракатларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз.**

ЭЗГУ ОРЗУЛАРИНГИЗ УШАЛАВЕРСИН!

**"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Барча алоқа соҳаси
ходимларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қизгин
муборакбод этади.**

**Азиз алоқачилар,
барчангизга қутлуғ сана
муборак бўлсин!**

Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Хабарлар +tv

ОТБОРТОН

5.55 Курсувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.00 «Илм»
7.05 «Сарой хавоқори» Т/с
7.40 «Дилгул наволар»
8.00-8.45 «Тадвилинома»
8.45 «Отин мерос»
8.50 «Ўртин буйлаб» дастури: «Киндай гузал бу дунё»
9.05 «Ҳасор»
«Болалар сайераси»
9.10 «Болалар дунёси»
9.30 «Чикор» В/ф
10.35 «КиноТеатр»
11.00 «Айборт»
11.10 «Ватанлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
13.00 «Илм»
13.05 «Ханом едиҳда...»
13.45 «Ўртин буйлаб» дастури: «Хайл»
14.00 «Айборт»
14.20 «Слим ва одам» дастури: «Мояй уман калонда»
15.10 «Мия бир ривоят»
15.15 «Оталар сузи» — акцияе кўзи хаминаидан.
16.15 «Нон қадри»
16.25 «Ўртин буйлаб» дастури: «Қўшқоранин ғўрт фасли»
17.00 «Айборт»
17.15 «Отин мерос»
17.20 2008 йил — «Ешлар йили»
«Менин университетим»
«Болалар сайераси»
17.40 «Эртанлар» — вақилека оталар»
17.55 «Изор»
18.00 «Сизнинг адвокатинга»
18.05 «Сардор» Т/с
18.30 «Иновацион тов ва лойиҳалар республика ғўрқоқи»
18.50 «Бир кун»
19.10 «Оқнағар оғуанда»
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эшқолар.
19.30 «Айборт» /рус/
20.05 «ТВ шифокор»
20.10 «Анчик ёлгон» Т/с
20.50 «Мия бир ривоят»
21.00 «Айборт»
21.35 «Отин мерос»
21.55 «Сўнги қироляна» Т/с
22.55 «Илм»
23.00 «Қўшиғиман, муҳаббат» /SMS/
23.10 «Табии» Б/ф, 1-қисм.
03.15-00.25 Тунги наволар.
«Илҳикаста»
00.25 Курсувлар дастури.
00.30 «Ўртин буйлаб» дастури: «Киндай гузал бу дунё»
00.45 «Тасвир ва таъсурот»
01.10 «Айборт» /рус/
01.35 «Ватанлар»
02.25 «Миян»
02.45 «Оталар сузи» — акцияе кўзи хаминаидан.
03.45 «Нафосат олим»
03.55 «Мия бир ривоят»
04.00 «Айборт»
04.20 «Отин мерос»
04.40 «Ўртин буйлаб» дастури: «Лагери»
05.10 «Сардор» Т/с
05.35-05.55 Тонги наволар.

КАВИНГТОН

15.55 «Ватанин мейнги»
16.00 «Дар»
16.10 «Кавингтон» Т/с (Кавингтон Кўрса саруваштилари, болалар учун фильм-архив)
17.00 «Ешлар йили»
17.10 «Соглия-бойла»

ДУШАНБА — 5 МАЙ

17.30 «Ешлар ва эъланин»
17.45 «Келажак ағалар»
18.00 «Мула мултоз»
18.20 «Уфк лочини» Т/с («Чингангу»)
18.50 «ИлЭХ хабарлари»
18.55 «Тошкент 2300»
19.00 «Дар»
19.20 «Анчик» Т/с...
20.15 «Тасвир»
20.20 «ТВ банк»
20.30 «Тошкент оқшони»
20.40 «Ешлар навои»
21.00 «Ок кабулар»
21.10 «Жуман» Т/с
21.55 «ИлЭХ хабарлари»
22.00 «Дар»
22.30 «О. Ёшларни»
22.35 «SMS-муносида»
23.00 «Хайт-мамот» Т/с
23.45 «Юрт тенглиги»

КАВИНГТОН

17.50 Курсувлар тартиби.
17.55 Мультфильм «Дамбо», 5-қисм.
18.05 21.50 «Телемаршар» - маркет.
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтакт»
18.50 «Эмеральда» Т/с
19.20 «ТВ юрст»
19.25 «Муносида SMS»
19.30 «Саломат булинг» /рус/
20.00 «Пойтакт» /рус/
20.15 «ТВ юрст» /рус/
20.20 «Милларос» Т/с, /рус/
20.50 «Интервью»
21.00 «Жанба»
21.30 «Пойтакт»
21.45 «Яларам»
22.10 «Анн қалбин»
22.30 «Пойтакт» /рус/
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50-00.20 Кино: «18 лигт сусти»

SPORT

7.00 «Бодре утро»
8.00 «Талван»
8.25 «Малалов +»
9.30 «Версия»
10.00 Сериял «Талинин дини»
11.30-12.00 Стрелба из лука. Кубок мира.
18.00 «Половогон»
18.20 «Тет-а-тет»
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.57 «Мусорий тайм»
19.10 «Жди меня»
20.00 «Футбол шаро»
20.30 «Бизнес-рево»
20.40 Баскетбол. Евролига. Мужчины. Полуфинал.
21.30 «Хабарлар» (Узб. тилида)
21.57 ЕВРОФутбол. Испания чемпионати «Барселона» - «Валенсия»
23.25 «Тунингиз оудаб бўлган»

БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00 11.00 14.00 Новости
08.25 «Малалов +»
09.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.15 Сериял «Убойная сила»
12.20 «Дилекти»
13.00 «Другие новости»
13.25 «Понят. Простить»
14.20 Рождение легенды-Мьянмо-
15.00 Сериял «Огонь любви»
15.55 «Федеральный судья»

17.00 Вечерние новости
17.25 «Пусть говорит»
18.10 Сериял «След»
19.00 Сериял «Принцесса цирка»
20.00 02.00 «Время»
20.30 Сериял «Разведчики. Последний бой»
21.30 «Гибель Гайдар. Легенда о красном всаднике»
22.25 «Трудоголики»
23.10 Новые новости
23.25 Ударная сила. «Наследичи Юны»
00.10 Х/ф «Республика любви»
01.45 Х/ф «Сердце дракона»

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!»
06.00 Х/ф «Деревенская детектив»
09.45 «Вести. Дежурная часть»
10.00 «Вести»
10.25 «Местное время. Вести - Москва»
10.45 Т/с «Частный детектив»
11.40 Х/ф «Батальоны просят огня»
13.00 «Вести»
13.20 «Местное время. Вести - Москва»
13.40 Т/с «Манежа»
14.35 «Суд идет»
15.30 Т/с «Кулиги и партнеры»
16.00 «Вести»
16.30 «Местное время. Вести - Московская область»
16.50 «Вести. Дежурная часть»
17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
18.00 Т/с «Родные люди»
19.00 «Вести»
19.20 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 Т/с «Гиззянов»
22.00 «Дежурный по стране»
23.00 «Вести +»
23.20 «Честный детектив»
23.45 «Семьянин»
00.15 «Деревенский натурал»
00.35 Х/ф «Агент-Стрелкоза»
02.05 Х/ф «Колесо судьбы»

НТВ

05.00 «Сегодня утром»
07.40 09.20 Т/с «Государственная граница». Фильм 3. «Восточный рубеж». 1-2 с.
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «Сегодня»
10.40 12.25 Т/с «Государственная граница»
13.40 Т/с «Адават»
14.30 17.30 «НП. Обзор»
15.30 01.50 Т/с
18.40 Т/с «Аграрский призрак»
20.40 Т/с «Закон и порядок»
22.05 Т/с «Самодельный иловский воево»
00.45 Х/ф «История Догвилля»
03.40 Т/с

КУЛЬТУРА

06.00 Канал «Евроснос»
09.00 18.30 22.30 «Новости культуры»
09.20 «В главной роли...»
09.40 00.35 Прокравайя передача.
09.50 Х/ф «Светлый путь»
11.25 «Живое дарение ремесел»
11.35 «Линия жизни»
12.00 «Питое измерение»
13.00 Х/ф «Шит и меч»
14.20 Д/ф «Велкое прикрытие отпа Тимошев»
14.55 «Порядок слов»
15.00 М/с «Новые приключения медвежонка Паддингтона»
15.20 М/ф «Китшотка на одном колесе»

15.30 «Анчи восприя»
16.00 Д/ф «Сенатор Боттичелли»
16.10 Д/с «Нетрунная природа»
16.35 «Плоды просвещения»
17.00 Д/ф «Катедральный собор Сантьяго-де-Компостела. Заветная цель паломников»
17.50 «Бюжюлет»
18.00 «Ночной полет»
18.55 Х/ф «Два бойца»
20.15 «Острова»
21.00 «Голос эпохи»
21.35 «Тем временем»
22.50 «Молодая стика»
22.55 «Про АРТ»
23.20 «Экология литературы»
23.50 Д/ф «Осифимифонд Россинья в будущее»
00.30 «Музыкальный момент»
00.40 Д/ф «Животные Сибири: шансы на выживание»
01.25 Д/ф «Катедральный собор Сантьяго-де-Компостела. Заветная цель паломников»

СТС

07.00 М/с
08.00 11.30 18.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
09.30 20.00 Т/с «Палыня дочки»
09.00 21.00 Т/с «Я лежу»
10.00 19.30 01.00 «История в деталях»
10.30 22.00 Т/с «Кто в доме хозяйка?»
11.00 17.30 «Гиззянов»
12.30 Т/с «Дочки-матери»
13.30 Т/с «Папа на все руки»
14.00 М/с
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 Т/с «Тайны Сибири»
22.30 Х/ф «Красотки»
00.20 «6 кадров»
01.30 «Слова богу, ты пришел»
02.45 Т/с «Королева экран»

ТВ3

07.00 М/ф
07.45 М/с
09.15 М/ф
10.00 16.00 Т/с «Баффи - истребительница вампиров»
11.00 Х/ф «Малая смерть»
13.00 Д/ф «Разрушители мифов»
14.00 18.00 Т/с «Звездные врата»
15.00 Д/ф «Гибель адмиралов. Тайна одной авиакатастрофы»
17.00 «Улч»
19.00 00.00 Т/с «За гранью возможного»
20.00 Т/с «Кости»
21.00 Д/ф «Тайны знамен. Николай II. Искаженные предсказания»
22.00 Х/ф «Легенда кунг фу»
01.00 Х/ф «Восточный из дд»

ТНТ

05.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Бьен»
05.55 Глобальные новости.
06.00 12.30 18.00 Такси.
09.20 М/с «Ох, уж эти детки!»
07.00 18.30 Москва: инструкция по применению.
07.30 «Необычно, но факт»
09.20 23.15 Т/с «Саша + Маша»
09.00 09.30 17.00 17.30 19.00 19.30 Т/с «Счастливы вместе»
10.00 М/с
13.00 Т/с «Женская лига»
13.30 20.00 22.45 «Дом 2»
15.00 Комедия «Кульм»
21.00 Комедия «Городские деточки»
23.45 Наш вечер.
23.55 Т/с «Возвращение в Эдем»
00.50 Триллер «Анастатта»

ОТКРЫТОСТ

- 5.55 Курсатувалар дастури.
6.00 «Ассалом, Забекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Сарой жавоирин» Т/с.
7.40 «Дилхуш навалар»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Олтин мерос»
8.40 «Сардор» Т/с.
9.05 «Изор»
9.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Табият билан кизма-киз»
«Болалар сайраси»
9.30 «Йила, Ила, Топ!»
10.15 Д. Зокиров номиндаги халқ оқуғу-лари оркестрининг концерти.
10.35 «Зағулик»
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Ахборот»
11.10-ТВ шафқор»
11.15 «Анчик ёлгон» Т/с.
11.50 «Ахборот» /инглиз/
12.00 «Ассалом, Забекистон!»
13.00 «Икким»
13.05-«Сўнги киролчана» Т/с.
14.00 «Ахборот»
14.20 «Олтин мерос»
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қайрида»
15.15 «Интеллектуал ринг»
16.00 «Олтин кадам» танлови.
16.20 2008 йил - Ёшлар йили. «Менинг университетим»
16.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Соғал-дан эгиз дунё»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Олтин мерос»
17.20 «Фарз ва қара»
«Болалар сайраси»
17.40 «Эртақлар - яхшилик етаклар»
17.55 «Худудлар хайити»
18.10 «Сардор» Т/с.
18.55 «Икки дарё оралиғида»
19.15 «Онагилар оғушида»
19.25 19.55 20.55 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.05-ТВ шафқор»
20.10-«Анчик ёлгон» Т/с.
20.50 «Мен бир ривоят»
21.00 «Ахборот»
21.35 Эринг мавзу.
21.55 «Сўнги киролчана» Т/с.
22.55 «Икким»
23.00 «Қўшимчасан, муҳаббат» /SMS/
23.10 «Табии» Б/ф. 2-қисм.
00.10-00.20 Тунги навалар.
«Идешкал»
00.20 Курсатувалар дастури.
00.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Олтин водий усталари»
00.55 «Мен бир ривоят»
01.00 «Ахборот» /рус/
01.30 «Олтин мерос»
01.35 «Ёшлар майдони»
02.35 «Рангин дунё»
03.00 «Ахборот» /инглиз/
03.10 «KINOMANIYA»
03.40 «Истелда»
04.00 «Ахборот»
04.30 «Олтин мерос»
04.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида»
05.00 «Сардор» Т/с.
05.40-05.55 Тонги навалар.



- 6.55 «Ватиним мененг»
7.00 «Таранмух»
7.40 «Мультианорама»
8.00 «Ёшлар майдони»
9.00 «Алия» Т/с.
9.45 «Қадрдон қўшиқлар»
9.55 «Шарҳ дарвозаси»
10.00 «Давр»
10.10 «Абсона ва ҳақиқат»

- 10.55 «О. Ёлғитим»
11.00 «KINOMANIYA»
11.30 «Ёшлар ва таълим»
11.45 «Мулки муқоза»
12.00 «Жумон» Т/с.
12.40 «Джунгал»
13.00 «Давр»
13.10 «Ватанларвар»
13.40 «Урқ лоҳини» Т/с.
14.30 «Сехри қўшлар»
15.00 «Ёшлар майдони»
16.00 «Давр»
16.10 «Кавингтон» Т/с.
17.00 «Давринге боласи»
17.10 «Мультианорама»
17.50 «Болалар табассуми»
17.55 «Тазим»
18.00 «Мулки муқоза»
18.20 «Урқ лоҳини» Т/с.
18.50 «ИЗЕХ хабарлари»
18.55 «Ок кабутор»
19.00 «Давр»
19.30 «Алия» Т/с.
20.15 «Тазим»
20.20 «Автопалуыр»
20.40 «Ёшлар навоси»
21.00 «Ватан меҳри»
21.10 «Жумон» Т/с.
21.55 «ИЗЕХ хабарлари»
22.00 «Давр»
22.30 «Футбол 2008»
23.00 «Хайт-мамонт» Т/с.
23.45 «Юртинчилиги»

ТОШКЕНТ

- 17.50 Курсатувалар тартиби.
17.55 Мультифильм: «Дамбон», 6-қисм.
18.05 21.50 «Телекуррьер - маркет»
18.25 «Бизнес-рево»
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Эсмержалда» Т/с.
19.20 «ТВ юрсти»
19.25 «Мусика SMS»
19.50 «Икким»
20.00 «Пойтахт» /рус/
20.15 «ТВ юрсти» /рус/
20.20 «Милларос» Т/с /рус/
20.60 «Репортаж»
21.00 «Жоғиба»
21.30 «Пойтахт»
21.45 «Улакчи»
22.10 «O'zbekino» намойиш этади:
«Хаттолик санъати»
22.30 «Пойтахт» /рус/
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50-00.25 Кино «Он, она и я»

SPORT

- 7.00 «Едаро уяро»
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
8.25 «Малахов +»
9.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
9.50 Серил «Таянган дунё»
11.20-11.35 «Спорт - менинг хайтим»
18.00 «Болалар спортин»
18.15 Мультифильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.55 «Мусулкий тайм»
19.25 «Жаҳон спортин юдуларин»
19.50 «Жаҳон Superfight» Телевистория.
20.00 Гандбол. Забекистон чемпиони-ля.
20.30 «Бизнес-рево»
20.40 Баскетбол. Евролига. Мужчини.
Полуфинал.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
21.50 ЕВРОФутбол. Испания чемпиони-ля.
«Оснана» - «Реал»
23.25 «Тунингиз оюда бўлсин!»

БИРИНЧИ

- 04.00 08.05 Телеканал «Доброе уяро»
08.00 11.00 14.00 Новости

- 08.25 «Малахов +»
09.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.16 Серил «Убойная сила»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Почты. Просты»
14.20 «Тайные дороги войны»
15.00 Серил «Огонь любви»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечные новости
17.20 «Пусть говорят»
18.10 Серил «След»
19.00 Серил «Привясса цирка»
20.00 02.00 «Время»
20.30 Серил «Разведчики. Последний бой»
21.25 Владимир Этуш «Все, что можно непосильным трудом»
22.25 Искатели «Сокровища Кенитсберга»
23.10 Ночные новости
23.25 «Доброй ночи»
00.30 Х/ф «Свидения»

РОССИЯ

- 04.00 «Доброе уяро, Россия»
07.55 03.00 Д/ф «Смелый талант. Парам. Николай Гастелло»
08.50 Т/с «Опера. Хроника убийного от-дела»
09.45 16.50 «Вести. Дежурная часть»
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести - Москва»
10.25 13.20 «Местное время. Вести - Москва»
10.45 Т/с «Опера. Хроника убийного от-дела»
11.40 Х/ф «Батальоны просят огня»
13.40 Т/с «Мамуши»
14.35 Праздничный концерт, посвященный Дню Радио.
16.30 «Местное время. Вести - Москов-ская область»
17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
18.00 Т/с «Родные люди»
19.30 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойной ночи, малыши»
20.00 Т/с «Гашиники»
22.05 Д/ф «Женское лицо войны» «Кал-тылда»
23.05 «Вести +»
23.25 Х/ф «Генерал»
